


# ЕР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИГА ОИД ЯНГИЛИКЛАР!!!



## 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

[ID-10756](#) (эълон қилинган саъна: 03.12.2019  
ёпилиш саънаси : 18.12.2019)

## 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ “Пахтачилик- тўқимачилик кластерларида чорвачилик комплексларини ташкил этиш тўғрисида”

2. [ID-10735](#) (эълон қилинган саъна: 03.12.2019  
ёпилиш саънаси : 18.12.2019)

# **13-мавзу: АЛОҲИДА МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАР ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

## **РЕЖА:**

- 1. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари тўғрисида тушунча.**
- 2. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 3. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 4. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 6. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари.**

## **13-мавзу. 3-маъруза.**

### **Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати**

#### **Режа:**

- 1. Соғломлаштириш мақсадларига  
мўлжаланган ерлар тушунчаси.**
- 2. Соғломлаштириш мақсадларига  
мўлжаланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**

# Маъруза машғулотин ўқитиш технологияси

<i>Талабалар сони 89</i>	13-Мавзу, 3-маъруза 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерлар тушунчаси.</li><li>2. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.</li></ol>
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> <b>Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввурни шакллантириш</b>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ol style="list-style-type: none"><li>1. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерлар тўғрисида тушунча беради..</li><li>2. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча беради.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерлар тўғрисида тасаввур шаклланади..</li><li>2. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввур шаклланади</li></ol>
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, жамоавий иш,
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

## МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
<p>1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 20 дақиқа</p>	<p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	<p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>
<p>2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа</p>	<p>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар). Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..2.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 2.3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар,</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
<p>3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

# МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

## Асосий:

1. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
2. Земельное право республики Узбекистан. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
3. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
4. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
5. Узоқова Г.Ш. Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
6. М. Mirzaabdullaeva, А. Muqimov, Z. Xafizova. Yer huquqi, O'quv qo'llanma.- Т.:ТИМ, 2016.-196 б
7. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
8. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

## Қўшимча:


1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (9-БОБ), Ўзбекистон, Т.:1998
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”.-Т.: Ўзбекистон, 2004

## Интернет ва Зиёнет сайтлари

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

# Ўтилган мавзуларни такрорлаш учун БЛИЦ-СЎРОВ

1. Давлат қўриқхонасининг қандай тушунчалари мавжуд?
2. Давлат қўриқхонаси билан буюртма қўриқхона ўртасида қандай фарқ бор?
3. Республикамиз ҳудудида нечта табиат ёдгорлиги мавжуд?
4. Табиат боғи тушунчаси нимани англатади?
5. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатида қандай хусусиятлар мавжуд?





**Соғломлаштириш мақсадлари учун  
мўлжалланган ерларда юзага келадиган  
муносабатларни тартибга солувчи  
манбалар**

**Қонунлар**

**Умумий аҳамиятдаги:**

- Ўзбекистон Республикаси конституцияси. 1992
- Ўзбекистон Республикаси қонуни
- «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», 1992
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» . 2004

**Махсус аҳамиятдаги:**

- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Аҳолининг санитария-эпидимологик осойишталиги тўғрисида», 26.08.2015
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Аҳолини ва ҳудудларни табиий хамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятларда муҳофаза қилиш тўғрисида», 1999

**Қонуности ҳужжатлари**

- 2017-2021 йй. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, ПФ-5308, 22.01.2018
- ПҚ-2915 “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” **21.04.20,17**
- ВМнинг қарори 671-сонли «Истирохат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш методологияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»” **17.08.2018**

## МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАРНИ ҚАЙСИ ОРГАНЛАР БОШҚАРАДИ ?

“МЭТХТ” қонуннинг  
11-моддаси

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

## Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш учун ер участкаларини захира қилиш тартиби?

“МЭТХТ” қонуннинг  
11-модда

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш мақсадида махсус ваколатли давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ер участкалари захира қилинади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг захира қилинган ер участкаларидаги фаолияти, агар бундай фаолият мазкур участкаларда муҳофаза қилиш мўлжалланаётган табиий объектлар ва мажмуалар сақланишига хавф соладиган бўлса, чекланиши ёки тақиқланиши лозим. Ана шу ер участкаларининг юридик ва жисмоний шахсларга эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки ижара учун беришга фақат давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режалар ва дастурларни, ер тузиш схемаларини ҳамда ҳудудий режалаштиришни, шунингдек табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга доир бошқа режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

**СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР  
ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?**

ЕК 73-моддаси

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига табиий шифобахш омилларга эга бўлган, касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай, белгиланган тартибда тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ер участкалари киради

## КУРОРТ ТАБИЙ ХУДУДЛАР ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

“МЭТХТ” қонуннинг  
36-моддаси

Даволаш ва соғломлаштириш хоссаларига, минерал манбаларга, шифобахш балчиқ қатламларига, қулай иқлим ва бошқа шароитларга эга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар курорт табиий ҳудудлар ҳисобланади.

# КУРОРТ ТАБИЙ ХУДУДЛАР ҚАНДАЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК БЎЛИШИ МУМКИН?

## УМУМДАВЛАТ АҲАМИЯТГА

**Умумдавлат аҳамиятига** молик курорт табиий ҳудудлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади

## МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА

**Маҳаллий аҳамиятга** молик курорт табиий ҳудудлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.


**КУРОРТ  
ТАБИЙ  
ХУДУДЛАР  
ҚАНДАЙ  
МИНТАҚАЛАР  
ДАН ТАШКИЛ  
ТОПАДИ?**

**Биринчи минтақага** даволаш хоссаларига эга манбалар, шифобахш балчиқ қатламлари бор ҳудудлар киради. Бундай минтақада ҳар қандай фаолият тақиқланади, даволаш хоссаларига эга манбалар ва балчиқ билан даволаш шифохоналарини ободонлаштириш учун зарур иншоотлар қуриш бундан мустасно

**Иккинчи минтақага** санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларининг ҳудудлари киради. Бу минтақада даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун зарур бўлган фаолиятни истисно этганда ҳар қандай фаолият, шунингдек бу ҳудудда вақтинча истиқомат қиладиган тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши тақиқланади

**Учинчи минтақага** санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларига туташ ҳудудлар киради. Бу минтақада даволаш манбаларига, шифобахш балчиқ қатламларига зарар етказмайдиган ва дам олиш ҳамда даволаниш шароитларини ёмонлаштирмайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат этилади.

# Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг санитария муҳофазаси минтақалари





## **КУРОРТ ТАБИЙ ҲУДУДЛАР ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ХАРАКАТЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ?**

ЎЗР “МЭТҲТ” тўғрисида қонуни  
37-модда

**Курорт табиий ҳудудлар доирасида қуйидагилар  
тақиқланади:**

- **фойдали қазилмаларни қазиб олиш, минерал сувлар ва шифобахш балчиқ қазиб олиш бундан мустасно;**
- **кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналарининг фаолияти;**
- **дарахт ва буталарни кесиш (парваришлаш йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);**
- **заҳарли кимёвий моддаларни қўлланиш;**
- **ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;**
- **заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш;**
- **чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;**
- **жойнинг гидрологик режимини ўзгартириш.**

**Соғломлаштириш  
мақсадларига  
мўлжалланган  
ерлардан  
фойдаланиш ва  
берилиш нуқтаи  
назаридан  
хусусиятлари**

**биринчидан;** ушбу мақсадлар учун мўлжалланган ерлар жумласига табиий шифобахш омилларга эга бўлган, касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун кулай ерлар киради

**иккинчидан;** ушбу мақсадлар учун мўлжалланган ерлар 3 та минтақалардан ташкил топади

**учинчидан;** мазкур мақсадлар учун мўлжалланган ерлар атрофида муъофаза минтақалари ўрнатилади

**тўртинчидан;** мазкур мақсадлар учун мўлжалланган ерларни на фақат давлат бошқарув органлари балки жамоат ташкилотлари ҳам бошқаради

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

ЕК 73-моддаси

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларга нисбатан алоҳида ҳуқуқий ҳолат белгиланиб, улар қатъий белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилади ҳамда муҳофаза этилади. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар, курортлар атрофида жойлашган ерлардан фойдаланувчилар ўзлари эгалигидаги ерларга нисбатан бирламчи фойдаланувчи сифатидаги ҳуқуқларини сақлаб қоладилар, аммо улар ўз эгалигидаги ерлардан фойдаланганликларида курортлар ҳуқуқий ҳолатини бўзувчи хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари лозим. Масалан, соғломлаштириш муассасалари атрофида саноат иншоотларини жойлаштиришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўта зарур ҳолатлардагина йўл қўйилади.

## ДАВЛАТЛАРАРО МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ХУДУДЛАР ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

“МЭТХТ” қонуннинг  
46-моддаси

Икки ва ундан ортиқ давлат ҳудудида жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ташкил этилиши мумкин.

Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режими Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

## Ер муносабатларини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси

[Россия](#) Федерацияси ЕК

Согласно земельного кодекса РФ (ст.94 гл.XVII) к землям особо охраняемых территорий и объектов относятся земельные участки, которые имеют особое природоохранное, научное, историко-культурное, эстетическое, рекреационное, оздоровительное и иное ценное значение, которые изъяты постановлениями федеральных органов государственной власти, органов государственной власти субъектов РФ или решениями органов местного самоуправления полностью или частично из хозяйственного использования и гражданского оборота и для которых установлен особый правовой режим.

К землям особо охраняемых территорий относятся земельные участки:

- 1) особо охраняемых природных территорий, в том числе лечебно-оздоровительных местностей и курортов;
- 2) природоохранного назначения;
- 3) рекреационного назначения;
- 4) историко-культурного назначения;
- 5) иные особо ценные земли в соответствии с земельным Кодексом, федеральными законами.

## ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА МУЎЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

Россия Федерациясида

### **Статья 96. Земли лечебно-оздоровительных местностей и курортов**

1. Земли лечебно-оздоровительных местностей и курортов относятся к особо охраняемым природным территориям и предназначены для лечения и отдыха граждан. В состав этих земель включаются земли, обладающие природными лечебными ресурсами (месторождениями минеральных вод, лечебных грязей, рапой лиманов и озер), благоприятным климатом и иными природными факторами и условиями, которые используются или могут использоваться для профилактики и лечения заболеваний человека.

2. В целях сохранения благоприятных санитарных и экологических условий для организации профилактики и лечения заболеваний человека на землях территорий лечебно-оздоровительных местностей и курортов устанавливаются округа санитарной (горно-санитарной) охраны в соответствии с законодательством. Границы и режим округов санитарной (горно-санитарной) охраны курортов, имеющих федеральное значение, устанавливаются Правительством Российской Федерации.

## ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА МУЎЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

Россия Федерацияси ЕК

### Статья 96. Земли лечебно-оздоровительных местностей и курортов

3. Земельные участки в границах санитарных зон у собственников земельных участков, землепользователей, землевладельцев, арендаторов земельных участков не изымаются и не выкупаются, за исключением случаев, если в соответствии с установленным санитарным режимом предусматривается полное изъятие этих земельных участков из оборота (первая зона санитарной (горно-санитарной) охраны лечебно-оздоровительных местностей и курортов). Земельные участки, находящиеся в частной собственности, подлежат выкупу у их собственников в соответствии со статьей 55 настоящего Кодекса. Использование земельных участков в границах второй и третьей зон санитарной (горно-санитарной) охраны ограничивается в соответствии с законодательством об особо охраняемых природных территориях.

## ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

Туркменистон ЕТК

### Статья 87. Земли оздоровительного назначения

1. К землям оздоровительного назначения относятся земли, обладающие природными лечебными свойствами и с особыми климатическими условиями, благоприятными для организации профилактики и лечения заболеваний, предоставленные в пользование соответствующим юридическим лицам Туркменистана в порядке, установленном законодательством Туркменистана.

**Земли оздоровительного назначения подлежат особой охране**

2. В целях обеспечения необходимых условий для профилактики, лечения заболеваний и отдыха населения, а также охраны природных лечебных свойств земель оздоровительного назначения устанавливаются зоны санитарной охраны. В пределах этих зон запрещается предоставление земельных участков физическим и юридическим лицам Туркменистана для деятельности, противоречащей их целевому назначению



## ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

Молдавия Республикаси ЕК

### **Статья 57. Земли оздоровительного назначения**

К землям оздоровительного назначения относятся участки земли имеющимися на них природными лечебными объектами (минеральными источниками, залежами лечебных грязей) и с особыми климатическими условиями, благоприятными для профилактики и лечения заболеваний. Такие земли предоставляются в пользование лечебно-курортным и оздоровительным учреждениям и подлежат особой охране. В целях охраны природных лечебных объектов на курортах устанавливаются зоны санитарной охраны. В пределах этих зон запрещается предоставлять земельные участки во владение, пользование, в том числе в аренду, тем предприятиям, учреждениям и организациям, деятельность которых несовместима с охраной природных лечебных объектов и поддержанием благоприятных условий для отдыха населения. Предприятия, учреждения и организации, вокруг которых устанавливаются зоны с особыми условиями землепользования, обязаны обозначить их границы специальными информационными знаками. Порядок и условия использования земель оздоровительного назначения определяются настоящим кодексом и специальным законодательством.

## **Блиц саволлар**

- 1. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар қаерларда жойлаштирилади?**
- 2. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг субъектлари кимлар ва объектларини нималар ташкил этади?**
- 3. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар атрофида муҳофаза зоналари қандай ташкил этилади?**

# 13-МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН

## ТОПШИРИҚ:

1. “Ер ҳуқуқи” фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалардан “Соғламлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати” мавзусини мустақил ўқиб чиқиш ва ўзлаштириш.
2. Соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган ерларда юзага келадиган ерга оид муносабатларни тартибга солувчи махсус аҳамиятдаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан танишиш (ЕК нинг 9-боби 73-моддасига шарҳлар ва “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” қонуннинг тегишли моддалари асосида).